Картошка нархлари шаклланиши бўйича дайжест

Марказий банк | 2026 йил, 1 октябрь ҳолатига

ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОЗОРДА КАРТОШКА НАРХЛАРИ

АСОСИЙ САВДО ҲАМКОРЛАРДАГИ ЧАКАНА НАРХЛАР *(2026 йил, сентябрь)*

Давлатлар	Жорий нарх, сўм/кг	Ўтган ойга нисбатан, %	2025 йилнинг мос даврига нисбатан, %
Ўзбекистон	4 694	+8,3	−15,1
Россия	7 167	−13,1	+28,8
Қозоғистон	5 490	−15,4	+13,3
Қирғизистон	5 571	−5,5	−19,0
Покистон	2 240	−3,7	−35,4

КАРТОШКА УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ *(сўм/кг)*

		Нави	*август*	*сентябрь*
Маҳаллий	Ўзбекистон	сариқ	3 500–4 000	4 000–4 500
		қизил	4 000–4 500	4 500–5 000
Импорт	Қозоғистон, Россия, Қирғизистон:	сариқ	3 500–4 000	4 500–5 000

КАРТОШКА НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ЎЗГАРИШИ *(январь–сентябрь)*



- ***Маҳаллий*** *нархларнинг сентябрда* ***ошиши*** *эски ва янги ҳосил ўртасидаги узилишлар, такрорий ҳосил ҳали бозорга чиқмагани билан изоҳланади.* ***Йиллик*** *ҳисобда эса ёзги ҳосил мўл бўлгани сабабли нарх ўтган йилдан паст шаклланди.*
- ***Россияда*** *оммавий ҳосил йиғими туфайли* ***ойлик нархлар*** *пасайди.* ***Йиллик ўсишга*** *ўғит, ёқилғи ва логистиканинг қимматлашиши ҳамда омборлар етишмаслиги сабаб бўлди.*
- ***Қозоғистонда*** *янги ҳосил ҳисобига* ***ойлик нархлар*** *пасайди.* ***Йиллик ўсиш*** *эса йил бошидаги юқори экспорт билан боғлиқ бўлиб, дастлабки икки ойда экспорт қарийб 8 баравар кўп бўлган.*
- ***Қирғизистон*** *ва* ***Покистонда*** *нархлар* ***ойлик*** *ва* ***йиллик*** *ҳисобда пасайди. Бунга Қирғизистонда янги ҳосил, Покистонда эски ҳосилнинг юқори ички таклифи сабаб бўлди.*

Кузатувларга кўра, ***2026 йил 30 сентябрь*** *ҳолатига Республикада картошка:*

- ***энг қиммат*** *Тошкент шаҳрининг* ***Миробод*** *(6 450 сўм) ва* ***Бектемир*** *(6 000 сўм) туманларида;*
- ***энг арзон*** *Тошкент вилоятининг* ***Бўка*** *(3 100 сўм) ва Жиззах вилоятининг* ***Бахмал*** *(3 500 сўм) туманларида сотилмоқда.*

БОЗОР ОМИЛЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2025 йил

Етиштириш: **4,2 млн тн** — Ўсиш суръати: **+0,2%**

Маҳаллий улуш: **84%** — Импорт улуши: **16%**

2026 йил январь–июнь

Етиштириш: **2,3 млн тн** — Ўсиш суръати: **+16%** — Импорт улуши: **0,4 млн тн**

Етиштирувчилар улуши:



Деҳқон ва томорқа 79% · фермер 19% · бошқа 2%

2026 йил прогнози **4,5 млн тн** — Ўсиш суръати: **+7,1%**

Экин майдони: 135 минг га

Самарқанд 18–19%, Андижон 12–13%, Фарғона 11–12%, Наманган 10–11%, Тошкент 10%, Сурхондарё 9–10%

ИМПОРТ

2026 йил	январь–сентябрь	сентябрь
Истеъмол *(минг тн)*	440,5 2025 й. 553,1 −20,4%	19,8 66,4 −70,1%
Уруғлик *(минг тн)*	12,9 2025 й. 4,1 ×3,1 бар.кўп	—

Асосий хулоса:

2026 йил январь–сентябрь ойларида истеъмол учун **картошка импорти** ўтган йилга нисбатан **20,4%** га камайиб, импортнинг **70%** қисми январь–март ойларига тўғри келди. Импортда **Қозоғистон** улуши **27,9 %** дан **81,9%** гача ошиб *(импорти 2,3 баробар ўсди)*, **Покистон**дан импорт **88,5%** га қисқарди. **Уруғлик картошка** импорти ҳажми **3 бараварга ортиб** *(67% апрель–июнь)*, асосий импорт улуши **Нидерландияга** (80%) ва қисман **Қозоғистонга** тўғри келди. **Сентябрь ойида** истеъмол картошкаси импорти **70,1% га қисқарди** *(Қозоғистон-78,7%, Қирғизистон-20,1%)*. Нидерландиядан 174,8 тн уруғлик картошка олиб кирилди *(2025й. сентябрида уруғлик келтирилмаган)*.

Картошка импортида бозор концентрацияси (2026 йил январь–сентябрь)

Топ-5 корхона улуши: **81%** **+9 ф.б.**

2025 йил: 72%. 1 та — 59%, 4 та — 22% *(2025: 39% ва 32%)*

Импортёр корхоналар: **79 та**

2025 йил: 104 та

Импорт географияси *(2025 й.)*:



Қозоғистон 82% *(28%)*

Покистон 8% *(54%)*

Бошқалар 10% *(18%)*

НАРХЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН БОШҚА ОМИЛЛАР

ИЧКИ ОМИЛЛАР

- Маҳаллий **уруғлик сифатининг** пастлиги *(ҳосилдорлик 1 га /163 ц)*. Элита уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлар, картошкачилик марказлари, In vitro лабораториялари етарли эмас. Уруғлик импортга **боғлиқлик** ортиб, 2026 йил январь-сентябрда ойларида уруғлик импорти 3,1 баравар ошган.
- Ўтган даврда **ёнилғи** нархлари ошишда давом этмоқда.
- **Азотли ўғитлар** нархлари биржа нархи ва энергия харажатлари сабаб қимматлашмоқда.
- Ўсимликларни **ҳимоя қилиш воситалари** нархлари маҳаллий ишлаб чиқаришнинг камлиги, қиммат импорт ва логистика харажатлари сабаб ошмоқда.
- 2026 йил январь-июнь ойларидаги ҳосилнинг **4/5 қисми** деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган. Етиштиришнинг **майда хўжаликлар** ўртасида тарқоқлиги товар ҳажмини шакллантириш ва сақлашни қийинлаштирмоқда.
- Нархлар тебраниши мавсумий ўзгариб, июлда картошка 18% га арзонлашган бўлса, сентябрдан яна қимматлашмоқда. Истеъмол картошка импортининг 70% январь–мартга тўғри келиб, бу кузги **захиралар** баҳоргача **етмаслигини** кўрсатади.

ТАШҚИ ОМИЛЛАР

- **Россияда** картошка экин майдонлари қисқариб *(сўнгги 18 йилдаги энг паст даражага -277,8 минг га)*, ҳосил **7,5 млн тн** *(−12%)* бўлиши кутилмоқда. Бу йиллик истеъмолдан 0,5–1 млн тн кам. Сентябрда нарх **13,1 фоизга** пасайди, бироқ ноябрь–декабрда сақлаш ва логистика ҳисобига ўсиши кутилмоқда.
- **Европада** ҳосилдорликнинг пасайиши сабабли *(тарихий энг паст кўрсаткичга-19,5–20,5 млн тн)* Миср картошкасига талаб ортиб, Россия Миср ўрнига Марказий Осиё ва Хитойдан импорт қилишга мажбур бўлиши кутилмоқда.
- **Покистонда** 2025-2026 йилги мавсумий ҳосил **12 млн тн** дан ошди *(4 млн тн ортиқча маҳсулот)*. Лекин, Афғонистон чегараси ёпиқлиги ва муқобил сув йўллари қимматлиги сабабли Марказий Осиёга етказиб бериш чекланмоқда.
- **Қирғизистонда** 2026 йилда **1,25 млн тн** картошка етиштирилди *(йиллик эҳтиёж 800 минг тн)*. Маҳаллий бозорни рағбатлантириш мақсадида картошка **импортини** 2027 йил 1 мартгача **вақтинча чеклаш** таклиф қилинган.

ҲАТАРЛАР ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

ҲАТАРЛАР

- **Эль-Ниньо** иқлим ҳодисаси таъсири 2026 йил декабрда юқори нуқтага чиқиб, 2027 йил январь – мартгача сақланиб қолиши кутилмоқда. Ушбу ҳодиса **Покистонда** Rabi *(октябрда экилиб, январь – мартда йиғиб олинади)* мавсуми картошкаси ҳосили қурғоқчилик ва иссиқлик хавфи остида қолиш эҳтимолини оширади. **Европада** куз ва қиш бошида ёғингарчилик ва бўронлар кучайиб, ҳосилни йиғиш ва сақлашни қийинлаштириши кутилмоқда.
- **Қозоғистоннинг** 2026 йил ҳосилидан картошка экспорт салоҳияти **400 минг тн** деб баҳоланмоқда. 2025/26 мавсумида Ўзбекистон Қозоғистондан **567,6 минг тн** *(январь-сентябрда 360,6 минг тн)*, яъни **1,4 баравар** кўп картошка импорт қилган. Талаб ўтган мавсум даражасида сақланадиган бўлса, Қозоғистоннинг 2025 йил январидаги каби **экспортга чеклов** жорий этиш эҳтимоли ортади.
- 2026 йил I ярмида **Россия** картошкаси экспортининг 77% Қозоғистонга йўналтирилиб, аксар қисми Ўзбекистонга реэкспорт қилинган. Ҳозирда Россиянинг ўзида 0,5–1 млн тонна танқислик кутилаётгани ҳамда логистика харажатлари ва савдо устамалари ҳисобига Қозоғистон орқали Ўзбекистонга реэкспорт камайиши кутилмоқда.
- Ўзбекистонда уруғлик импортининг **80 фоизи Нидерландияга** тўғри келиб, Европадаги ҳосилдорликнинг пасайиши 2027 йил баҳорги экиш учун уруғлик етишмовчилиги ва нарх ошишига олиб келиши мумкин.

КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

Имтиёзлар

- **ПҚ-269-сон** *(08.09.2025 й.)* Президент қарорига асосан:
  - 2026 йилдан картошка етиштиришда ҳосил қийматининг **50%** гача **12%** ставкада, **6 ойлик имтиёзли** давр билан **12 ой муддатга** суғурта полиси асосида имтиёзли кредит ажратилади.

2026 йил ***1 октябрь*** *ҳолатига фермер хўжаликларга баҳорги картошка етиштириш учун* ***157 млрд*** *сўм ҳамда кузги етиштириш учун* ***53 млрд*** *сўм кредит маблағлари ажратилди.*

  - Уруғлик картошка импорти тадбирлари харажатларини молиялаштириш учун 95 млрд сўм фоизсиз ссуда ажратилди.

"Булунғур-Агро Стар" орқали ушбу ссуданинг ***80 млрд*** *сўмига* ***6 минг тн "элита"*** *картошка уруғлари олиб келиниб, картошкачилик хўжаликларига устамасиз етказиб берилди. Натижада* ***2027 йил*** *картошка етиштириш учун камида* ***50 минг тн*** *сифатли ва ишончли* ***R1*** *авлодли картошка уруғи тайёрланади.*

  - Суғориш насослари учун қуёш панеллари ўрнатиш харажатлари ҳамда электр энергия харажатининг **50 % гача** *(50 млн сўмгача)* қисми давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

Уруғлик картошка етиштиришни ташкил этиш

- "Булунғур-Агро Стар" томонидан баҳорги экинлар даврида картошка экиш учун аҳолига ижара асосида **37,7 минг га** экин майдони ажратилиб, амалда режадан 19 % ортиқча *(44,7 минг га)* экилди.
- Германиянинг "Solana" компаниясидан **грант** асосида **40 тн** аввал Ўзбекистонда экилмаган 6 хил элита навли уруғлар олиб келиниб, синов тариқасида экилмоқда.
- **100 га** майдонда картошка етиштиришнинг барча босқичлари автоматлаштирилган махсус **агротехнопарк** ишга туширилди.
- Голландия билан ҳамкорликда **53 млрд** сўмлик мажмуа барпо этилиб, таркибида **10 минг тн** лик омборхона *(**2 минг тн** музлаткич)*, **"in vitro"** лабораторияси, **ўқув маркази** ҳамда **қайта ишлаш** ва **қадоқлаш** тармоқлари мавжуд бўлади.
- Мисрдан келтирилган **250 минг** дона **"Hermes"** навли мини-туганаклар экилган бўлиб, бундан **10,1 минг тн** юқори репродукцияли уруғлик картошка олиниши ҳамда **2026-2028** йилларда улардан **40 минг** га ерни сифатли уруғлик билан таъминлаш орқали **1,8 млн тн** картошка етиштириш режалаштирилган.